

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/13.05.2020.Yu.22.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

СУННАТОВ ВОҲИД ТОШМУРОДОВИЧ

МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ
ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи.
Криминология. Жиноят-ижроня ҳуқуқи.

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Отглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Doctoral (PhD) Dissertation Abstract

Суннатов Вохид Тошмуродович

Мансаб сохтакорлигига қарши курашнинг жиноят-хуқуқий ва
криминологик жиҳатлари.....3

Суннатов Вохид Тошмуродович

Уголовно-правовые и криминологические аспекты противодействия
должностному подлогу25

Sunnatov Vohid Toshmuradovich

Criminal legal and criminological aspects of fight against official
forgery.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works51

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ўи359** рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-сидхифисида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net/uz) жойлаштирилди.


Илмий раҳбар:	Салаев Нодирбек Сапарбаевич юридик фанлар доктори, профессор
Расмий ошнONENTлар:	Рустам Кабулов юридик фанлар доктори, профессор Тургунбоев Элбекжон Одилжонович юридик фанлар номзоди
Етақчи ташкилот:	Бердак номидаги Қорақалпоқ давлат университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.07/13.05.2020 Ҳи.22.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» июль куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат юридик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (958 рақам билан руйхатга олинган) (Манзил: 100003, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» июлда тарқатилди.
(2021 йил «12» июлдаги «1» рақамли реестр баённомаси).




У.А.Тухташева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори (DSc), профессор


Д.Г.Камалова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)


Ш.Ё.Абдуқодиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси уринбосари, юридик фанлар доктори (DSc), доцент

Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда мансаб сохтакорлиги билан боғлиқ коррупциявий ҳолатлар давлат ҳокимиятининг очиқлигини таъминлаш, мамлакатларнинг турли халқаро рейтинглардаги ўрни ҳамда инвестициявий жозибadorлигини оширишга тўсик бўлиб турган долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Коррупциявийлик ҳолати бўйича мамлакатлар рейтингига кўра Янги Зеландия, Дания, Финляндия, Норвегия, Швецария, Сингапур, Швеция, Канада, Люксембург, Нидерландия каби давлатларда коррупция даражаси энг паст ҳисобланса-да¹, бошқа давлатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу борада туб ислохотларни амалга ошириш зарурати мавжудлигини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолат дунёда ҳуқуқ устуворлигига эришишда мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш муҳимлигидан далолатдир.

Жаҳонда мансаб сохтакорлигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари, жиноятчи шахсининг хусусиятлари, жиноятнинг мотиви, ҳужжатларни қалбакилаштириш усули ёки воситаси, мазкур қилмишларнинг олдини олишга қарагилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Боиси, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ёки ёзувлар киритилиши, ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузилиши ва тақдим этилиши натижасида давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг нормал фаолияти издан чиқади, ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган бошқа жиноятлар содир этилиши ёки уларнинг яширилиши анча осонлашади

Республикамизда мансаб сохтакорлиги учун жиний жавобгарликни такомиллаштириш, мансаб сохтакорлиги билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Мансаб сохтакорлигига оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида махсус ваколатли тузилмалар ташкил этилганлиги, шунингдек «жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, алоҳида жиний қилмишларни декриминаллаштириш, жиний жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонларварлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган»²лиги мазкур соҳани тадқиқ этиш, мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши курашишни янада такомиллаштиришни долзарб этиб белгиламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-

¹ www.transparency.org

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. – 2017. № 6. 70-модда.

тадбирлар тўғрисида»ги (2017) Фармонлари, «Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018) Қарорлари ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мансаб сохтакорлигининг жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш, шунингдек унинг олдини олиш Республикада етарли даражада тадқиқ этилмаган. Мазкур масаланинг айрим жиҳатлари Қ.Р.Абдурасулова, Б.Ж.Ахбаров, Р.А.Зуфаров, Р.Кабулов, М.М.Кадиров, Б.И.Пинхасов, М.Ҳ.Рустамбаев, Ғ.О.Эрматов томонидан ўрганилган.

Е.О.Алауов, Т.Г.Аракелян, Т.Б.Басова, В.Н.Борков, Л.А.Букалорова, И.А.Волкова, А.Г.Гаибов, С.Е.Данилюк, Г.В.Журавлева, В.А.Канунников, Н.Н.Карпелянская, Д.Д.Мевлуд, В.В.Романова, А.Я.Светлов, М.С.Талабзода, Е.С.Христинина каби хорижий олимлар ҳам мансаб сохтакорлиги ва у билан боғлиқ жиноятларни ўрганган.

Guerreiro A., Simas Santos M. (Португалия), Herley C., Vora P., Yang S. (АҚШ), Mohammed B. Hemraj (Австралия), Khairul Anuar Abd. Hadiab (Малайзия)¹ каби олимларнинг илмий ишларида мансаб сохтакорлигининг жиноят-ҳуқуқий, криминологик муаммолари таҳлил қилинган.

Аммо юқоридаги олимларнинг тадқиқотларида мансаб сохтакорлиги жинояти комплекс ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ишининг мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқотлар режасига киритилган ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари», «Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунини либераллаштириш шароитида жазо тизимини ислоҳ қилиш муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади мансаб сохтакорлигининг таркибини комплекс таҳлил қилиш, мазкур жиноят объектив ва субъектив белгиларининг мазмуни

¹ Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

ва моҳиятини тушунишга нисбатан тўғри илмий ёндашувни ишлаб чиқиш, унга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тергов ва суд амалиётини яхшилаш, ушбу жиноятнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мансаб сохтакорлиги тушунчаси ва моҳияти, унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонун нормаларининг ривожланиши тарихини таҳлил қилиш;

айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларининг мансаб сохтакорлиги учун жавобгарлик белгиланган нормаларини ўрганиш;

мансаб сохтакорлигининг объектив, субъектив ҳамда жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиларини ёритиш;

мансаб сохтакорлигини квалификация қилишга доир муаммоларнинг ечимини топиш;

мансаб сохтакорлигининг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

мансаб сохтакорлигининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш;

амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти мансаб сохтакорлиги учун жавобгарлик ва унинг олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предметини мансаб сохтакорлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, суд-тергов амалиёти материаллари, илмий қарашлар, айрим хорижий давлатларнинг ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тарихий, тизимли таҳлил, мантиқийлик (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мансаб сохтакорлигининг субъекти «давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси» эканлигининг қонунда аниқ кўрсатилиши лозимлиги асослантирилган;

давлат харидлари жараёнида мансабдор шахслар томонидан ҳужжатларни сохталаштириш учун жавобгарлик белгилаш лозимлиги асослантирилган;

мансабдор шахсларнинг товар (хизмат) реализация қилинганлигига оид ҳужжатларнинг сохталаштириши солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) сифатида эътироф этилиши лозимлиги асослантирилган;

мансабдор шахснинг талон-торож жиноятини яшириш ёки жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлғон маълумотлар ва ёзувлар киритганлиги ўзлаштириш ёки растрата йўли

билан талон-торож қилиш ҳамда мансаб сохтакорлиги жиноятларининг мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозимлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мансаб сохтакорлиги жиноятининг предмети сифатида «хужжат», «расмий хужжат» тунунчаларига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

«расмий хужжатларга била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, хужжатларни қалбакилаштириш ёки била туриб сохта хужжатлар тузини ёки тақдим этиш» нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсларининг ўз ваколатларини суиистеъмол қилиши (ЖК 192¹¹-м.) сифатида баҳоланиши лозимлиги асосланган;

ЖК 209-молдаси номини «хизмат ёки мансаб сохтакорлиги» деб ўзгартириш ҳамда унда нафақат мансабдор шахслар, балки давлат хизматчиларининг ҳам жавобгарлигини белгилаш зарурати асосланган;

ЖК 209-молдаси матнидаги «жиддий зарар» жумласини «жиддий зиён» жумласига ўзгартириш зарурати исботланган;

ЖК 209-молдасида назарда тутилган қилмиш натижасида анча миқдордан кам зарар етказилган ҳолларни декриминализация қилиш лозимлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси ёки мансабдор шахси томонидан расмий хужжатларни сохталаштириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланиши кераклиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Хизмат ёки мансаб сохтакорлигига оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган;

жиноят қонучилигини такомиллаштириш, мансаб сохтакорлигига оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни тўғри қўллаш ҳамда бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, 250 дан ортиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчилардан ўтказилган ижтимоий сўров, 150 дан ортиқ суд ҳукмлари, мавзуга оид статистик маълумотлар таҳлили умумлаштирилиб, тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилган ҳамда олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулоса ва амалий таклифлардан мазкур турдаги жиноятларга қарши курашиш юзасидан тадқиқот ишларини олиб боришда, шунингдек «Жиноят ҳуқуқи», «Криминология» каби ҳуқуқий фанларини ўқитиш ва методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мансаб сохтакорлиги учун жавобгарлик ва унинг олдини олишни такомиллаштиришга қаратилган

таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлигида ифодаланади.

Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда қонунни қўллаш амалиётини яхшилашга доир тавсиялардан қонун ижодкорлиги жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мансаб сохтакорлиги учун жиноий жавобгарлик ҳамда унинг олдини олиш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

мансаб сохтакорлиги жиноятининг субъекти «давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси» эканлигини қонунда мустақкамлаш лозимлиги тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси ўн тўртинчи хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 январдаги 06/1-05/3700-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши давлат харидлари соҳасида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган мансаб сохтакорлигига оид қилмишлар учун жавобгарлик белгиланишига хизмат қилган;

давлат харидлари жараёнида мансабдор шахсларнинг ҳужжатларни сохталаштириши ва коррупциянинг намоён бўлишини чеклаш лозимлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунининг 40-моддаси тўққизинчи хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 29 декабрдаги 12/20-29-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши давлат харидлари соҳасида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган мансаб сохтакорлигига оид қилмишлар учун жавобгарлик белгилашга хизмат қилган;

мансабдор шахслар томонидан товар (хизмат) реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни алмаштириш ёки сохталаштириш солиқ базасини яшириш (камайтириб кўрсатиш) деб эътироф этилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф 2019 йил 30 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 223-моддаси учинчи қисмининг олтинчи хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 29 декабрдаги 12/20-29-сон далолатномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши солиқ соҳасидаги мансабдор шахсларнинг мансаб сохтакорлигига оид қилмишларини белгилаш ва чегарасини аниқлашга хизмат қилган;

давлат мансабдор шахси талон-тороғ жиноятини енгиллаштириш ёки

яширини мақсадида расмий ҳужжатларга била туриб ёлгон маълумотлар ва ёзувлар киритган бўлса, унинг қилмиши ЖК 167 ва 209-моддалари ёки ЖК 167 ва 228-моддаларида назарда тутилган жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг 8-банди биринчи хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2020 йил 22 декабрдаги 08/УМ-735-20-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши суд амалиётида мансаб сохтакорлиги билан боғлиқ қилмишларни нормалар рақобати мавжуд бўлганида тўғри квалификациясига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 8 та илмий мақола (улардан 3 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Ишнинг ҳажми 156 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши**да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Мансаб сохтакорлиги учун жиноий жавобгарликнинг умумий тавсифи**» деб номланиб, унда мансаб сохтакорлиги тушунчаси ва моҳияти, унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган нормаларнинг ривожланиш тарихи, айрим хорижий мамлакатлар жиноят қонунларида мансаб сохтакорлиги учун жиноий жавобгарлик масалалари ўрганилган.

Муаллиф мазкур бобда мансаб сохтакорлигининг моҳияти ва унинг учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, мансаб сохтакорлиги предмети сифатида расмий ҳужжат тушунчаси ва унинг ўзига хос белгилари, соҳага оид қонун ҳужжатлари нормалари ва олимларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганган. Тадқиқ қилинаётган масалага доир суд амалиёти

таҳлил қилинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари таҳлили асосида уларда мавжуд бўлган бўшлиқ ва камчиликлар, амалиётда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш мақсадида аниқ тақлифлар илгари сурилган.

Тадқиқот ишида ҳужжатларни сохталаштириш: 1) усулига, яъни жиноят предметиға таъсир қилиш усулиға кўра: а) моддий; б) интеллектуал; в) моддий ва интеллектуал (аралаш) сохтакорлик; 2) субъектиға кўра: а) хусусий шахс томонидан сохталаштириш (умумий сохтакорлик); б) мансабдор шахс бўлмаган хизматчи томонидан сохталаштириш (хизмат сохтакорлиги); в) мансабдор шахс томонидан сохталаштириш (мансаб сохтакорлиги); 3) жиноятнинг хусусияти ва йўналиши бўйича: а) сохталаштириш мустақил жиноят таркиби сифатида; б) сохталаштириш бошқа жиноят таркибининг муқобил ҳаракати сифатида; в) сохталаштириш бошқа жиноятни содир этиш усули сифатида таснифланган.

Мансаб сохтакорлиғига оид қонун ҳужжатлари ва олимларнинг мулоҳазаларига таяниб, тадқиқ қилинаётган жиноят тушунчасига қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган:

«Мансаб сохтакорлиги – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг гаразтўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб расмий ҳужжатларға била туриб сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб сохта ҳужжатлар тузиши ёки тақдим этилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишиға сабаб бўлган қилмиш».

Диссертацияда Ўзбекистоннинг амалдаги ва олдинги Жиноят кодексларининг мансаб сохтакорлиги учун жавобгарлик белгиланган тегишли нормалари қиёсий таҳлил қилинган. Жумладан, ЎзССРнинг 1926 йилги ЖК 152-моддасида, 1959 йилги ЖК 155-моддасида хизмат сохтакорлиги учун жавобгарлик назарда тутилганлиги ва мансабдор шахснинг таъмагирлик мақсадида расмий ҳужжатларға ёлғон ёзувлар киритиши, ҳужжатларни сохталаштириши, уларға тузатиш ёки бошқа санани киритиши, шунингдек сохта ҳужжатлар тайёрлаши ва бериши ёки китобға ёлғон кўчирмаларни киритиши хизмат сохтакорлиги ҳисобланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК (1994) 209-моддасида мансаб сохтакорлиги, яъни мансабдор шахснинг гаразтўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларға била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, ҳужжатларни қалбакилаштириши ёки била туриб, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишиға сабаб бўлса, жиний жавобгарлик назарда тутилган.

Ишда сохта ҳужжатлар қуйидаги гуруҳларға ажратилган: 1) шахсини тасдиқловчи сохта ҳужжатлар (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт, харбий билет); 2) ҳуқуқ берувчи сохта ҳужжатлар (таълим муассасасини ёки

малкака онирини куреларини тугатганлиги хақидаги диплом, сертификат, меҳнат дафтарчаси); 3) мажбуриятлар юкловчи ёки улардан озод қилувчи сохта ҳужжатлар (пенсия гувоҳномаси, тиббий комиссиянинг хулосаси).

ЖКда расмий ҳужжат атамасига таъриф бериш ва уни қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилган:

«расмий ҳужжат – шахсини тасдиқловчи, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқ бериш ёки ундан маҳрум қилиш ёхуд мажбурият юклани ёки ундан озод қилиш ёки бошқа ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган факт ва воқеаларни тасдиқловчи, ҳуқуқий оқибатлар тўғдирадиган, ваколатли мансабдор шахс томонидан қабул қилинган (тасдиқланган), лозим даражада тузилган ва зарурий реквизитлари мавжуд бўлган ёзма ёки электрон ҳужжат».

Муаллиф МДХга аъзо ва бошқа хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларини киёсий-ҳуқуқий таҳлил қилган. Хорижий мамлакатларнинг жиноят қонунчилигини ўрганиш учун уларни шартли равишда қуйидаги: 1) МДХга аъзо давлатлар; 2) Европа ва Америка давлатлари; 3) Осиё давлатларига ажратган.

МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлили асосида Ўзбекистондан ташқари барча МДХга аъзо давлатларда таҳлил қилинаётган жиноят «хизмат сохтакорлиги» деб аталиши, шунингдек, ушбу жиноятнинг турли шакллари учун жавобгарлик назарда тутилганлиги, жиноят субъекти нафақат мансабдор шахс, балки хизматчи ҳам бўлиши ва объектив томондан руҳсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни сохталаштириш ҳам мансаб сохтакорлиги деб баҳоланиши сингари фаркли жиҳатлар мавжудлиги аниқланган.

Европа, Америка ва Осиё мамлакатлари жиноят қонунчилигининг мансаб сохтакорлиги учун жавобгарлик назарда тутилган нормаларини таҳлил қилиш уларнинг миллий қонунчилигимиз билан айрим ўхшаш ва фаркли жиҳатлари мавжудлигини кўрсатди. Тадқиқотчининг фикрича, бу фарқлар қуйидагиларда кузатилади:

биринчидан, жиноят эҳтиётсизликдан ҳам содир этилади (Испания ЖК 391-моддаси, Швейцария ЖК 317-моддаси);

иккинчидан, жиноят предметининг доираси турлича, яъни ишга дахлдор бўлган фактларни ўзида ифодаловчи ҳужжатлар (Нидерландия ЖК 225-моддаси); «экспертиза натижалари» (ХХР ЖК 412-моддаси); «экспорт товар юкхатлари, экспорт йиғимларига харажатларни рўйхатдан ўчириш тўғрисидаги қвитанциялар ва бошқа ҳужжатлар» (ХХР ЖК 405-моддаси); ўрмон кесиш чиқтасига сохта маълумотлар киритиш (ХХР ЖК 407-моддаси); ҳар қандай ҳужжат (Корея Республикаси ЖК 225-моддаси); матнли ёки график ахборот (Япония ЖК 156-моддаси);

учинчидан, жиноят субъекти савдо назорати органлари, савдо назорати давлат бўлимларининг ходимлари (ХХР ЖК 412-моддаси); бошқа давлат органларининг ходимлари (ХХР ЖК 405-моддаси); оммавий мансабдор шахслар (Япония ЖК 156-моддаси) бўлади.

Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ЖК

209-моддасини «хизмат ёки мансаб сохтакорлиги» деб номлаш ва унда нафақат мансабдор шахслар, балки мансабдор шахс ҳисобланмаган давлат хизматчиларининг қилмишлари учун ҳам жавобгарлик назарда тутиш таклиф этилган. Мазкур таклиф хизматчи томонидан ҳужжатларни сохталаштирганлик учун тўғри ҳуқуқий баҳо берилишига хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Мансаб сохтакорлигининг юридик таҳлили ва уни квалфикация қилиш масалалари**» деб номланган иккинчи боби мазкур жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари, квалфикация қилиш масалаларига бағишланган.

Диссертант жинойи тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз орқали унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти ҳисобланиши тўғрисидаги қоидадан келиб чиқиб, мансабдор шахслар томонидан расмий ҳужжатлар билан ишлашининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ўрганилаётган жиноятнинг объекти ҳисобланади, деган хулосага келган.

Муаллиф мансаб сохтакорлигининг объектив томонини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келган:

мансаб сохтакорлиги бир-бири билан боғлиқ икки жиноят-ҳуқуқий белги: шахс содир этаётган қилмишнинг хусусияти ва предметга таъсир кўрсатиш усулини бирлаштиради. Жиноят объектив томонининг белгиси сифатида, сохтакорлик ҳам мустақил қилмиш, ҳам жиноятни содир этиш усули бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Бу ҳолда у жинойи хулқ-атворни тўлалигича қамраб олмайди.

Ишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Хизмат ёки мансаб сохтакорлигига оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқиш тавсия этилган ва унда «ҳужжатларни қалбакилаштириш» ва «била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш» атамаларининг тушунчаси берилиши, яъни:

ҳужжатларни қалбакилаштириш деганда, бирон-бир фактни исботловчи расмий ҳужжатга ундан ҳақиқий ва сохталаштирилмаган ҳужжат сифатида фойдаланиш мақсадида ёки ўзга шахслар фойдаланиши учун нотўғри маълумотлар киритилган, яъни қалбакилаштирилган ҳужжатни тайёрлаш тушунилиши;

била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш деганда, олдиндан билган ҳолда ҳақиқатга ёки ишларнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ келмайдиган маълумотлар ифодаланган сохта ҳужжат тайёрлаш, шунингдек ўз мансаб вазифалари ёки бошқа мақсадда бирон-бир фактнинг исботловчи расмий ҳужжатга турли тузатишлар киритиш, қириб ўчириш ёки ёзиш, ўзгартириб бошқа рақамлар ёзиш, санасини ўзгартириш, ҳақиқий матнни ўчириб, унинг ўрнига бошқа матнни ёзиш, шунингдек ваколати бўлмаган шахслар томонидан тегишли маълумотларни расмийлаштириш чораларини кўриш, имзо қўйиш ва бошқа ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ҳаракатлар тушунилиши лозимлиги асосланган.

ЖК 209-моддаси 1-қисми диспозициясидаги «тузиш» ва «тақдим этиш»

сўзлари ўртасига «ва» боғловчиси ўрнига «ёки» боғловчисини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот ишида мансаб сохтакорлигининг кўринишлари таҳлил қилиниб, сохтакорликнинг икки шакли ажратилган:

1) *моддий сохтакорлик*, бунда ҳужжатга турли хил тузатишлар киритилади, қириб ўчириш ёки ёзувлар ўзгартирилиб бошқа рақамлар ёзиш, санаши ўзгартириш, ҳақиқий матнни ўчириб, унинг ўрнига бошқа матнни ёзиш ва ҳ.к. амалга оширилади;

2) *интеллектуал сохтакорлик*, бунда ҳақиқатга ёки ишларнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ келмайдиган маълумотлар ифодаланган сохта, қалбакилаштирилган ҳужжат тайёрланади.

Диссертантнинг фикрича «жиддий зарар» атамаси фақат ЖК 209 ва 251¹-моддаларда қўлланилган, «жиддий зиён» 10 та моддада назарда тутилганлиги боис, ЖКда мавжуд аналогия ҳамда «зарар» ва «зиён» тушунчалари таҳлилини инobatга олган ҳолда, ЖК 209-моддасида «жиддий зарар» сўзларини «жиддий зиён» сўзлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқлиги исботланган.

Диссертацияда «фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш умумий аҳамиятга эга бўлган нисбий тушунча бўлганлиги боис, ЖКнинг «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси» деб номланган Саккизинчи бўлимида «фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказиш – фуқаронинг дахлсизлигига зарар етказиш, унинг ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш ҳамда бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши хавфини юзага келтириш, шунингдек давлат ва жамоатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ғайриқонуний тарзда жиддий чеклаш», деган тушунтириш киритиш таклиф этилган.

Бундан ташқари, ЖК 209-моддасида назарда тутилган қилмиш туфайли анча миқдорда зарар етказилган бўлса, айбдорни ушбу модда билан жавобгар қилинишини ҳамда анча миқдордан кам зарар, шунингдек жиддий зиён етказилмаган қилмишнинг декриминалиция қилиниши ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тоифасига ўтказилиши, шу тоифадаги ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганида жиноий жавобгарлик юзага келишини белгилаш таклиф этилган.

Ушбу таклифни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини куйидаги мазмундаги 193⁴-модда билан тўлдириш кераклиги асосланган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жиноят-ҳуқуқий сиёсат йўналишидан келиб чиқиб, айбдор шахсга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаган тақдирда рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги исботланган. ЖК 209-моддасида назарда тутилган қилмиш туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмаслигига доир нормани киритиш таклиф этилган.

Муаллифнинг қайд этишича, мансаб сохтакорлиги, яъни расмий ҳужжатларга сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш, ҳужжатларни қалбақлаштириш ёки сохта ҳужжатлар тузиш ва тақдим этишнинг ижтимоий хавфлилигини тушуниш ва ўз ҳаракатларига баҳо бера олиш, одатда, ақли расо шахсга хосдир.

ЖКнинг ўрганилаётган қилмиш учун жавобгарлик белгиланган моддасида жиноят субъекти мансабдор шахс эканлиги қайд этилган бўлса-да, бу масалани ҳал этишда айрим муаммолар мавжуд.

Биринчидан, аксарият олимлар ЖК 209-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти мансабдор шахс эканлиги қайд этган. Амалдаги қонунчиликка кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг раҳбарлари ҳам мансабдор шахслар тоифасига киради. Шунинг учун, мазкур мансабдор шахслар томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасига хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик аҳволи тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олиниши, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, агар бу хатти-ҳаракатлар оқибатида фуқаролар, давлат ёки жамият манфаатларига жиддий зиён етказилган бўлса, ушбу қилмишни квалификация қилишда муаммолар юзага келади. Яъни, ЖК 209-моддасида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсларнинг қилмишлари учун жавобгарлик белгиланган. Бироқ, мазкур белгиларга эга бўлмаган бошқа шахсларни ЖК 209-моддаси билан жавобгарликка тортиб бўлмайди. Шу мақсадда, ЖК 192¹¹-моддаси 1-қисми диспозициясини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилган.

Иккинчидан, мансаб сохтакорлигининг объектив томонидан назарда тутилган қилмишлар ҳарбий мансабдор, яъни мамлакат Куролли кучлар қўшинлари ва ҳарбий тузилмаларда ташкилий бошқарув, маъмурий-хўжалик функциясини бошқарувчи шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Ҳарбий мансабдор шахслар томонидан содир этилган мансаб сохтакорлиги учун «Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари» бобида жавобгарлик назарда тутилиши лозим. Шу мақсадда, ЖК 301-моддасининг номи ва 1-қисми диспозициясини янги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқлиги билдирилган.

Муаллиф ЖК 209-моддасида назарда тутилган жиноят субъектив томондан фақат айбнинг қасд шакли билан содир этилишини таъкидлаган.

Шунингдек, мансаб сохтакорлигига доир жиноят ишларини ўрганиш ғаразғўйлик ниятларида содир этилган мансаб сохтакорлиги 84,1% ни, бошқа манфаатларни кўзлаб содир этилгани эса 15,9% ни ташкил этишини кўрсатди. Мансаб сохтакорлигини хизмат заруриятидан келиб чиқиб содир этган шахсларнинг жинойи жавобгарликка тортилганлик ҳолати аниқланмаган. Келтирилган маълумотлар мансаб сохтакорлиги жиноятларида етакчи мотив ғаразғўйлик бўлганлигини кўрсатган.

Уюшган гуруҳ аъзоси ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигига асосланиб,

ЖК 209-моддаси 2-қисмига ўзгартиш киритиш, ушбу модданинг 3-қисм билан тўлдирилиш таклиф этилган.

Инда бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан жиноят содир қилиш ҳам ўз навбатида икки гуруҳга ажратилган: 1) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан одиндан тил бириктирмасдан жиноят содир қилиш; 2) бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан одиндан тил бириктириб жиноят содир қилиш. Биринчи гуруҳдаги қилмишга нисбатан иккинчисининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланади, чунки мансаб сохтакорлиги била туриб, одиндан режалаштирилиб, яъни қасддан содир этиладиган жиноят ҳисобланади. Шунинг учун бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан одиндан тил бириктириб содир этиладиган жиноятларни ажратиб, унинг учун оғирроқ жазо қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келинган ва ЖК 209-моддаси иккинчи қисмига қўшимча киритиш таклиф қилинган.

Жиноят натижасида жуда кўп миқдорда зарар етказилиши қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини кескин оширувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Шу сабабдан, бундай қилмишни ЖК 209-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят билан ижтимоий хавфлилик жиҳатдан бир талқин қилиш жиноят қонуни принципларига ҳам, қолаверса ЖК 42-моддасида белгиланган жиноий жазоларнинг мақсади ва вазифаларига зиддир. Бундан ташқари, бошқарув тартибига қарши мансабдорлик жиноятларининг аксариятида, хусусан ЖК 205-моддаси 2-қисми «а» банди, ЖК 206-моддаси 2-қисми «а» бандида «жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда» содир этилган қилмиш оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши белгиланган. Муаллиф юқорида қайд этилган фикрларга асосланиб ЖК 209-моддаси учинчи қисмига «жуда кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса» деган норма билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ, деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш таркиби ҳужжатларни қалбакилаштиришни камраб олмайди, чунки ҳужжатларни қалбакилаштириш ўз-ўзича талон-торож қилиш усули ҳисобланмайди. Сохтакорликни ҳужжатдан тегишли тарзда фойдаланмасдан содир этиш эса мулкни эгаллашга олиб келмайди. Шунинг учун ҳам ўзганинг мулкни талон-торож қилишда бундай ҳужжатлардан фойдаланиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиниши лозим.

Баъзан мансабдор шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ЖКнинг икки, айрим ҳолларда эса – уч моддасида назарда тутилган белгиларга мувофиқ келади. Шу туфайли ҳам мансаб сохтакорлиги ва ҳокимият ёки мансаб ваколатини суниистъмолад қилиш, пора олиш, мансабдор шахс ваколатларини ўзлаштириш, контрабанда жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган нормалар рақобати мавжуд бўлганида қилмишни квалификация қилиш алоҳида ёндашув талаб этилади.

Тадқиқотда қайд этилишича, агар сохтакорликда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суниистъмолад қилиш назарда тутилмаган, балки ҳокимият ёки мансаб ваколатини суниистъмолад қилиш воситаси бўлган бўлса, бундай ҳаракатларнинг ЖК 205 ва 209-моддалари мажмуи бўйича квалификация

қилиниши тўғри бўлади. Мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатини сууистеъмом қилиши натижасида вужудга келган камомадни ҳисоб юритиш ва ҳисобот ҳужжатларини чалкаштириш йўли билан яширишини фақат ЖК 205-моддаси билан ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмом қилиш сифатида квалификация қилиш тўғри бўлмайди. Бундай ҳаракатлар мансаб ваколатини сууистеъмом қилиш ва мансаб сохтакорлиги сифатида жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Амалиётда била туриб қалбаки ҳужжат тузган ёки ҳужжатга ёхуд била туриб олган қалбаки ҳужжатига сохта маълумотлар киритган ва уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 246-моддаси ҳамда 209 ёки 228-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади.

Диссертант ЖК 246-моддасининг диспозициясида қалбаки ҳужжатдан фойдаланиш жиноятни содир этиш усули эканлигини асослаб, ушбу қилмишнинг ЖК 209 ёки 228-моддалари билан қўшимча квалификация қилиниши тўғри эмаслиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сон қарорига 12¹-бандни киритиш таклиф этилган.

Диссертациянинг «**Мансаб сохтакорлиги жиноятининг кримнологик тавсифи**» деб номланган учинчи боби мансаб сохтакорлигининг сабаблари ва унга имкон берувчи шарт-шароитлар, мансаб сохтакорлиги жиноятининг олдини олиш масалаларига бағишланган.

Ушбу бобда ЖК 209-моддаси бўйича қўрилган жиноят ишлари бўйича статистик маълумотлар таҳлил қилинган, 2015 йилда 5243 та, 2016 йилда 4784 та, 2017 йилда 3447 та, 2018 йилда 1744 та, 2019 йилда 1462 та, 2020 йилда 436 та жиноят содир этилган, содир этилган жиноятларнинг 86,3 % эркаклар, 13,7 % аёллар ҳиссасига тўғри келади. Бунинг асосий сабаби мансаб лавозимларида асосан эркаклар ишлаганлигидир. Шу сабабдан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувида, жумладан, мансабдор шахсларни тайинлашда гендер тенглик принципларига риоя қилиш чоралари қўрилмоқда. 2015-2020 йилларда мазкур жиноятни содир этган шахсларнинг 95%и олий маълумотли, 4%и ўрта махсус маълумотли, 1%и ўрта маълумотли эканлиги аниқланган. Ушбу кўрсаткич ҳам Ўзбекистонда мансабдор шахсларнинг олий маълумотли бўлиши кераклиги талаби билан боғлиқдир. Ушбу жиноятларнинг 78%и оилалар томонидан содир этилган.

Жиноят ишлари, ўтказилган социологик сўровлар натижаларининг таҳлили асосида жиноятнинг қуйидаги сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланган: 1) давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги етарли даражада эмаслиги; 2) қонун нормаларнинг лозим даражада тақомиллаштирилмаганлиги; 3) мансаб сохтакорлигини белгиловчи ташкилий-бошқарув омиллар гуруҳи қуйидагиларни ўз ичига олади: а) вақант давлат лавозимларини банд этишга танловларнинг камлиги, профессионал хизматчилар ва сиёсий белгига кўра тайинланадиган

амалдорлар тизимининг мавжудлиги; б) мансабдор шахслар устидан самарали молиявий ва бошқа назоратнинг мавжуд эмаслиги; в) давлат хизматининг беқарорлиги; г) коррупцияга қарши курашишда давлат органлари фаолиятининг самарали эмаслиги; д) давлат ҳокимияти органларининг вакиллари ва бу лавозимларга номзодларнинг фаолияти устидан давлат ва жамият томонидан ижтимоий назорат шакллари мавжуд эмаслиги; 4) мансаб сохтакорлигини белгилловчи мафқуравий ва тарбиявий омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: а) коррупцияга қарши кеска муддатли кампанияларнинг ўтказилиши, зеро улар аксарият ҳолларда сиёсий мақсадларни кўзлаб ўтказилади ва бу мақсадларга эришиш усулларидан бири ҳисобланади, чунки ўз олдига қўйилган сиёсий мақсадларга (тегишли лавозимни эгаллаш ёки уни ўзида сақлаб қолиш) эришган шахслар шундан кейин кўпинча мазкур ижтимоий ҳодисага қарши курашиш самарадорлигини ошириш хусусида берган ваъдаларини унутадилар; б) фуқаролик жамияти сиёсий маданиятининг шаклланимаганлиги. Бу аввало сайлов жараёнида акс этади: сайловчиларнинг бир қисми ўз овозларини оз миқдордаги пул суммалари ёки моддий қимматликлар эвазига берадилар; в) таълим тизимида ёш авлодни коррупцияга қарши руҳда тарбиялаш тизимининг мавжуд эмаслиги ёки яхши йўлга қўйилмагани; г) оммавий ахборот воситалари томонидан аҳолида коррупцияга қарши иммунитетни шакллантиришга эътибор берилмаётганлиги.

Ишда мансаб сохтакорлигини олдини олишнинг умумий чоралари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги асосланган: 1) кундалик ҳаётда ҳали ҳам учраб турадиган лоқайдлик ва бепарволик иллатлардан ҳолос бўлиш; 2) Ўзбекистон ва унинг атрофидаги содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшаш, яъни “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” тарзидаги ҳолатларда воз кечиш; 3) маънавий-мафқуравий тарбия жараёнида шахсий ташаббускорликни ошириш; 4) ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлида ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши; 5) фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини кескин ошириш; 6) кенг жамоатчилик ўртасида мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳамда уларнинг оқибатларини тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш, мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назорати институти механизмини такомиллаштириш, шунингдек юқоридаги каби ҳолатларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишини таъминлаш, шу ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор этиш тартибини такомиллаштириш ва бошқалар.

Статистик маълумотларни ўрганиш ЖК 209-моддасида жавобгарлик назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсларнинг 2015 йилда 3356 нафари, 2016 – 3062 нафари, 2017 – 2207 нафари, 2018 – 1116 нафари, 2019 – 936 нафари, 2020 – 279 нафари илгари судланган шахс эканлигини кўрсатади. Қайд этилган даврлар (2015-2020 йиллар) мобайнида бу кўрсаткич ўртача 64 фоизни ташкил этган. Ушбу ҳолат мазкур соҳада профилактик

тадбирлар етарли даражада ташкил этилмаганлигидан далолат беради. Шу сабабли, мазкур жиноятларнинг олдини олишда таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мансаб сохтакорлигини олдини олишнинг қуйидаги махсус чоралари таклиф этилган: а) расмий ҳужжатларни тузиш, уларни сақлаш, юбориш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш ва улар учун жойларда махсус семинарлар ташкил этиш; б) давлат бошқаруви ва ижро органларида, шунингдек мулкчилик шаклидан қатъий назар барча корхона, муассаса, ташкилотларда расмий ҳужжатларни юритиш, фойдаланиш, юбориш ва бекор қилиш юзасидан ички локал ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва шундай тартиб белгиланган локал ҳужжатларни янада тақомиллаштириш, конкретлаштириш; в) мансабдор шахсларнинг даромадлари ва харажатлари ҳамда кадрлар сиёсати устидан қаттиқ назорат ўрнатиш; з) жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан ишлаб чиқилган чоралар асослантирилганлиги, доимий равишда мансаб сохтакорлиги жиноятининг содир бўлишига таъсир қиладиган ҳодисалар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш ва шунга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган чоралар жамлаштирилган маълумотлар банкни яратиш; д) мансабдор шахслар ва уларнинг оилаларига муносиб ҳаёт кечиртиш имконини берадиган иш ҳақи тайинлаш.

ХУЛОСА

Мансаб сохтакорлигига қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. Жиноят ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:

1. Мансаб сохтакорлиги тушунчасига қуйидагича таъриф берилди:

